

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги “2016-2020 йилларда мева сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хом-ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш

ЛОЙИХА

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги “2016-2020 йилларда мева сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хом-ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2505-сонли қарори ҳақида

Хомашё базасини жадал ривожлантириш асосида юқори қўшилган қийматга эга бўлган сифатли роқабатдош озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмларини ошириш ҳамда турларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги хомашёсини янада чуқур қайта ишлаш бўйича хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда янги ишлаб чиқаришларни қуриш ва амалдагиларини модернизатция қилиш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича замонавий савдо-логистика марказлари ва музлатиш қувватларини яратиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги “2016-2020 йилларда мева сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хом-ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2505-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан манфаатдор хўжалик бирлашмалари ҳамда Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқарилган 2016-2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хомашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш Дастури маъқуллансин, унда қуйидагилар назарда тутилган:

1-иловага мувофиқ, озиқ-овқат саноатининг хомашё базасини ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрлари;

2-иловага мувофиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича янги корхоналар қуриш, амалдагиларини реконструкция ва модернизация қилиш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек, тара-қадоқлаш материалларини ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳаларининг рўйхати;

3-Зв-иловаларга мувофиқ, мева-сабзавот, ва гўшт-сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш бўйича қўшимча янги корхоналар қурилишининг прогноз параметрлари;

4-иловага мувофиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун янги замонавий музлатиш камералари қурилишининг прогноз

параметрлари;

5-иловага мувофиқ, озиқ-овқат саноати учун ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг мақсадли параметрлари;

6-иловага мувофиқ, тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мақсадли параметрлари;

7-иловага мувофиқ, янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга етказиб беришнинг мақсадли параметрлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК, “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси мазкур дастурда назарда тутилган, хомашё базаси ва озиқ-овқат саноати тармоқларини ривожлантиришнинг прогноз параметрлари бажарилиши устидан тизимли мониторинг олиб борилишини таъминласин.

3. Вазирлар Кенгаши, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, туманлар ҳокимлари билан биргаликда 2016 йил якунлари бўйича туманлар кесимида экин майдонлари таркибини мақбуллаштириш натижалари, пахтадан бўшаган ерларда бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш самарадорлиги, ҳосилдорлиги, рентабеллиги ва экспорт имкониятларига алоҳида эътибор берган ҳолда танқидий баҳоласин ва унинг натижаларидан келиб чиқиб, 2017-2018 йилларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг прогноз параметрларига зарур тузатишлар киритсин.

Пахта хомашёси етиштириш ҳажмлари камайишидан кўриладиган йўқотишларни экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига албатта тўлдирилишини назарда тутиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари, уларнинг ҳосилдорлиги ва экспорт прогноз кўрсаткичларига тегишли тузатишлар киритиш ишлари ҳар бир ўтган йил натижалари бўйича амалга ошириб борилсин.

Туманлар бўйича қишлоқ хўжалигини тартибий ўзгартириш чора-тадбирларини амалга оширишда ишлаб чиқариш харажатлари ва нобудгарчиликни максимал даражада қисқартиришни таъминлаш мақсадида, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини омборлар, музлатиш камералари, қайта ишлаш корхоналари, савдо-логистика марказларининг қувватлари билан чамбарчас боғланган ҳолда комплекс ёндашувга қатъий риоя этилсин.

4. Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси, “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарорнинг 1-4 иловалари билан тасдиқланган параметрлардан келиб чиққан ҳолда, хомашё базасини ривожлантириш ва янги озиқ-овқат саноати корхоналарини ташкил этиш ҳудудий мақсадли дастурларни ишлаб чиқсин.

5. Мева-сабзавот маҳсулотларини янада чуқур қайта ишлаш ва унинг экспорт салоҳиятини оширишни таъминлаш бўйича Республика комиссияси 8-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

- келажакда янги ва қайта ишланган маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларига бўладиган талабларни аниқлаш бўйича тизимли асосда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, шунингдек янги сотиш бозорларини ўзлаштиришда маҳаллий экспортёрларга қўмаклашиш;

- жойларда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, бирламчи қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича ихтисослашган комплекс савдо-логистика марказлари, шунингдек музлатиш қувватларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

- мева, сабзавот, полиз ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини транспортда ташиш, божхона расмийлаштируви ва уларни юклар жўнатиш бўйича ҳисобот тақдим қилишни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни тезкор кўриб чиқиш;

- экспорт қилинадиган янги ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича ушбу қарорнинг 7-илосида кўзда тутилган прогноз параметрларининг бажарилиши устидан мониторинг олиб боришни ташкил этиш;

- зарур ҳолларда, мазкур қарор билан тасдиқланган инвестиция лойиҳалари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

6. Республика комиссияси раиси (М.Мамутов) “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмасининг тузилмаси, унга юклатилган мақсад ва вазифаларини танқидий кўриб чиқсин ва бир ой муддатда унинг тузилмаси ва экспортга йўналтирилган фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

7. “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда доимий асосда:

- ички бозорда аҳолининг ҳақиқий эҳтиёж ва талабларини ўрганиш, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари импорти таркибини таҳлил қилишни;

- тайёр маҳсулот импортини қисқартиришга, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош озиқ-овқат маҳсулотлари номенклатураси ва турларини кўпайтиришга йўналтирилган янги турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқиб, амалга оширишни таъминласин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “2011-2015 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 7 апрелдаги 105-сонли қарорининг 5-банди билан тақдим этилган имтиёзларнинг амал қилиши 2021 йилнинг 1 январигача узайтирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

9. Белгилансинки, янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналар учун юкларни ортиш жойидан Ўзбекистон Республикасининг чегарасигача ташиш ҳақи - темир йўл тарифлари маҳаллий тарифлардан келиб чиққан ҳолда ундирилади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодий вазирлиги “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси билан биргаликда ушбу қарорда кўзда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун мунтазам равишда халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг узоқ муддатли имтиёзли кредитларини жалб этишни таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Келишилди:

С.Хожаметов

Ж.Ембергенов

М.Мамутов

М.Алеуов

З.Ибрагимова

М.Джуманиязов

А.Тажетдинов

Ж.Идиятуллаев

Б.Утегенов

Ж.Наримбетов

Д.Қайпов

Кўриб чиқилди:

Izlash

- 
- 
- 

[Vazirlar Kengashi](#) [Statistik va tahliliy ma'lumotlar](#)
[Vazirliklar va idoralar](#) [Shahar va tuman hokimliklari](#)
[Hujjatlar](#) [Respublika mehmonlariga](#) [Elektron hukumat](#) [Interaktiv davlat xizmatlar](#)